

ЎЗГА ТИЛЛИ ГУРУҲЛАРДА ҲОЗИРГИ РУС ТИЛИ ОРФОЕПИЯСИНИНГ НОРМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Аннотация: Бу мақолада ўзга тилли миллат вакиллари рус тилида сўзларни тўғри талаффуз қилиш қоидаларининг асосий қоидалари, меъёрлари билан таништириш кўзда тутилган.

Таянч тушунчалар ва атамалар: орфоепия, урғусиз унлиларнинг талаффузи, ундошлар талаффузи, ундошлар бирикмасининг талаффузи.

Аннотация: Данная статья предназначена для ознакомления представителей других языков с основными правилами и нормами правильного произношения слов в русском языке.

Ключевые слова: орфоэпия, произношение безударных гласных, произношение согласных, произношение сочетаний согласных.

Annotation: This article is intended to familiarize representatives of other languages with the basic rules and norms of correct pronunciation of words in Russian.

Keywords: orthoepy, pronunciation of unstressed vowels, pronunciation of consonants, pronunciation of consonant combinations.

Ўзга тилли миллат вакиллари рус тилини ўрганишдаги асосий қийинчиликларидан бири рус тилидаги сўзларни тўғри талаффуз қилишдир. Кўпчилик рус тилини ўрганувчилар тўғри талаффуз қоидалари, яъни орфоепияни билмасликлари туфайли рус тилида гаплашишда қийинчиликларга дуч келади.

Орфоепия (юнончадан *orthos* “оддий, тўғри” ва *epos* “нутқ, талаффуз”) тилшуносликнинг адабий талаффуз меъёрларини ўрганувчи бўлими. Орфоепия муайян фонетик позитсияларда алоҳида товушлар талаффузини ва баъзи грамматик шакллар, сўзлар бирикмасида ёки алоҳида сўзларда товушлар талаффузининг ўзига хос томонларини ўрганади.

Урғусиз унлиларнинг талаффузи. Рус адабий тилида урғусиз бўғинларда келган [а], [о], [е] унлиларини талаффуз қилишда кўп ҳолларда хатоликларга

йўл қўямиз. [а], [о] унлилари урғусиз ҳолда сўзларнинг биринчи бўғинида келса, бундай ҳолларда улар [а] тарзида талаффуз қилинади. Масалан, тр[а]ва, з[а]кон, д[а]ма, к[а]рова сўзларида.

Биринчи бўғин урғусиз бўлганда, [а], [о], [е] товушларига боғлиқ ҳолда [и^е] тарзида талаффуз қилинади: [м'и^е]теж, [н'и^е]су, ко[л'и^е]со, [п'и^е]вец. Бунда [и^е] товуши баъзида [и], баъзида [е] товушига яқин талаффуз қилинади. Аммо [е] тарзида талаффуз қилиниши оддий сўзлашувда, [и] талаффуз қилиниши адабий тил нормасига мувофиқ ҳисобланади.

Ундошларнинг талаффузи. Рус адабий тилида ундошларнинг икки тури: жарангли-жарангсизлар жуфтлиги ва юмшоқ-қаттиқ ундошлар жуфтлиги ундошларнинг тўғри талаффузи қоидаларида асосий ўринни эгаллайди. Бу жуфтликларнинг фарқи муайян ҳолатларда аниқ кўринади: жарангли-жарангсизлар жуфтлиги ҳамма унлилардан олдин, юмшоқ-қаттиқ ундошлар жуфтлиги [е] товушидан ташқари бошқа унлилардан олдин келганда. Бу ундошлар ўз жуфтлари билан турли сўзлар ва сўз формаларини ҳосил қилишади. Масалан: [пыл] - [был], [п'ел] - [б'ел], [кол] - [гол], [вал] - [в'ал], [вол] - [в'ол], [лук] - [л'ук], [кон] - [кон']. Рус тили орфоэпиясининг қийинлиги юмшоқ ундошлардан олдин келган ундошларни тўғри талаффуз қилишдадир.

Баъзи ундошлар бирикмасининг талаффузи: *Чн* ҳарфлар бирикмаси талаффузида муайян ўзгаришларга учрайди. Бунда *чн* ҳарфлар бирикмаси *ин* талаффуз қилинади. Масалан: коне[шн]но, ску[шн]но, мало[шн]ный. *Чт* ҳарфлар бирикмаси *шт* тарзида талаффуз қилинади: [шт]о, [шт]обы, кое-[шт]о. *Зж* ва *жж* ҳарфлар бирикмасини талаффуз қилишда бу бирикмалар узун ва юмшоқ [ж'] тарзида ўзгаради ва талаффуз қилинади: жу[ж']ать, во[ж']и, по[ж']е. *Сч* ва *зч* ҳарфлар бирикмаси асос ва қўшимча таркибида жарангсиз юмшоқ сирғалувчи [ш'] тарзида талаффуз қилиниши керак: изво[ш']ик, зака[ш']ик, расска[ш']ик.

Агар ундошлар бирикмаси учта ундош товушдан иборат бўлса, адабий тил нормаларига амал қилган ҳолда ундошлардан бири талаффуз қилинмайди.

Бундай бирикмаларга лнц, рдц, рдч, стн, здн, стл ҳарфий бирикмалари киради. *Лнц* ҳарфий бирикмаси қатнашган сўзларда бу бирикма [нц] тарзида талаффуз қилинади: со[нц]е. *Рдц* ҳарфий бирикмаси билан келган сўзларда [рц] тарзида талаффуз қилинади: се[рц]е. *Стн* ҳарфий бирикмаси билан келган сўзларда [сн] тарзида талаффуз қилинади: че[сн]ый, ве[с'н']ик.

Здн ҳарфий бирикмаси қатнашган сўзларда бу бирикма [зн] тарзида талаффуз қилинади: по[зн]о, пра[з'н']ик. Аммо бе[здн]а сўзида асл ҳолида тўлиқ талаффуз қилинади.

Стл ҳарфий бирикмаси сча[сл]ивый, сове[сл]ивый сўзларида [сл] тарзида, хва[стл]ивый, ко[стл]явий сўзларида эса тўлиқ талаффуз қилинади.

Агар ҳарфлар бирикмаси тўртта ундошдан иборат бўлса, бунда ҳам талаффузда бир ундош тушиб қолади. Масалан, *вств* ҳарфлар бирикмаси чу[ств]о, здра[ств]уй сўзларида [ств] тарзида талаффуз қилинади.

Демак, ҳозирги рус адабий тили талаффузи нормалари мураккаб кўринишга эга. Улардан баъзилари фонетикага бевосита боғлиқ, унинг қоидаларига бўйсинади. Бу нормалар сўзловчига жуда муҳим, бунда фонетика системасига амал қилинади ва бу нормаларнинг бузилиши системанинг ва охир-оқибат тилнинг ҳалокатига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

“Современный русский язык” Н.М.Шанский, В.В.Иванов. М: “Просвещение”
Москва 1987

